


*Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД*

**ЎКУЗДАРЁ  
БИТИКЛАРИ**

*Достонлар*

*Қорақалпоқ тилидан  
Рустам МУСУРМОН  
таржимаси*



„O‘QITUVCHИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ — 2006

**Генжамурод, Бахтиёр**

Ўқуздарё битиклари: Достонлар/ Бахтиёр Генжамурод (Қорақалпоқчадан Р. Мусурмон таржимаси), — Т.: „О‘qituvchi“ НМИУ, 2006.— 48 б.

ББК 84(5У-6Кар)

*Бахтиёр Генжамурод*

**ЎКУЗДАРЁ БИТИКЛАРИ**

*Достонлар*

*„О‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи*  
*Тошкент — 2006*

Муҳаррирлар: *М. Омонов, С. Хўжааҳмедов*  
Бадий муҳаррир *Ш. Хўжаев*  
Техник муҳаррир *Т. Грешникова*  
Компьютерда саҳифаловчи *С. Мусажонова*  
Мусахҳиҳ *Н. Жумаева*

ИБ№ 8854

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 08.08.2006.

Бичими 70x90<sup>1/32</sup>. Офсет босма усулида босилди.

Шартли б. т. 1,75. Нашр. т. 2,35. 1000 нусхада босилди.

Буюртма №

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
„О‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 129.  
Навоий кўчаси, 30- уй. // Тошкент, Юнусобод даҳаси,  
Муродов кўчаси, 1- уй. Шартнома № 12—139—06.

Г  $\frac{4700000000 - 145}{358(04) - 2006}$  Буюртма varaғи — 2006

© «О‘qituvchi» НМИУ, 2006

*Туркий халқларнинг қадимий аجدодлари йўлбошчиларидан бири Маде хон ўз элининг мустақиллиги йўлида Чин подшолари билан самарали сиёсий музокаралар олиб борган. Босқинчиларга қарши мардонавор жанглarda музаффар бўлган.*

*Маде хоннинг „Ер бу — мамлакатнинг асосидир“ деган ўлмас шиорини дунё аҳли ҳануз юксак қадрлайди...*

*Мен ушбу достонимни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлайман.*

*Муаллиф*

## **МАДЕ ХОН СЎЗИ**

**ёхуд**

### **ЧИН ИПАГИДАГИ БИТИК**

*Тарихий достон*

#### **I**

Кундузи Куёшга,  
Тунда Ойга топиндим.  
Боболарнинг  
Жондор — бўри руҳларига сиғиндим.

Қилич қайраб,  
Камонимга ўқ йўндим.  
Кулунларни  
Ботирларим миниб чопар от  
бўлишин соғиндим.

Кулунларим тулпор бўлиб,  
Юлдузларни кўзлади.  
Ўғлонларим йигит бўлиб,  
Қаҳрамонлик излади.





Отилмаган минг ўқ қолди...  
Ёй тортмаган минг эрнинг  
Жонларини Кўк тангримга  
Қурбон қилиб юбордим.

#### IV

Тошни шохлаб қайралади  
қора буқанинг шохи,  
Элнинг дарди — менинг дардим,  
Менинг дардим — эл дарди.

Эл-юрт учун аямадим  
арғумоқ-тулпоримни!  
Эл-юрт учун қурбон этдим  
қўйнимдаги ёримни!

Эл-юрт учун тожу тахтим,  
Тулпор мендан садаға!  
Эл-юрт учун жоним, бахтим,  
Дилбар мендан садаға!

Қоронғу тун қучоғида етти юлдуз —  
қароқчи,  
Чўл қўйнида етти минг Гурт  
юрт қўриқлар қўриқчи.

Мой айниса, туз сепилар,  
Эр айниса, не бўлар?!  
Чин бўрилар айнимайди.  
Айниганлар ит бўлар.  
Шоғол бўлар, тулки бўлар,  
ликиллатар кетини.  
Мардлар элнинг тузи бўлар —  
мард айнитмас элини.

Отам Туман айниганди —  
Чин душманга қўл берди,  
Файри динга, файри тилга  
кучоқ очиб йўл берди...

Қаҳрланган бўри ўқим улиб учди Туманга,  
Нақд етти минг ўқ қадалди...  
Жазоладим отамни!

Ҳақ айтгани — Кўк айтгани:  
„Жонни фидо этармиз!  
Эр айниса, биз калласин  
Тандан жудо этармиз!“

## V

Шамшир сермаб, найза урдим,  
Эл бирлигин тузатдим.  
Кипригимга ханжар қадаб,  
ким дўст-душман кузатдим.  
Кўк осмонда Бургут — подшоҳ,  
кенг саҳрода — Қашқирлар!  
Эрлик, Мардлик, Ботирликни улуғладим —  
Сўз айтдим!

Илгаридан душман эди  
Чин юртининг подшоси.  
Шул шоҳ битган нома келди.  
Хат ўқиди элчиси:  
„Эй, Маде хон, пиёда юр!  
Ярашмас от минганинг!  
Чибин жонинг омон бўлсин,  
тахт минсанг — от минганинг!  
Остингда Елсув тулпоринг —  
менга бер шул отингни!  
Гар отингни бермасанг,  
мен кесаман элатингни!“

Уч минг ботир қалқиб турди  
қабоғидан қор ёғиб,  
Ўқловдайин томирида  
номус бирла ор оқиб:  
„Чин юртининг қалъасига  
бошла бизни, Маде хон!  
Иснод чекиб яшагунча,  
қиличдан берайлик жон!  
Минган отинг — Елсув тулпор,  
бу — хонликнинг нишони,  
Бадавлатлик, элдавлатлик ва  
халқликнинг нишони!“

Мен буюрдим: „От — бир махлуқ!  
От ўрнини той босур!  
Қўшимиз тинч — бизлар ҳам тинч...  
Булут ўрнин Ой босур!“

Чин юртининг аждарҳоси, майли,  
отимни олсин!  
Юртимга ўт пуркамасин,  
От билан нафси қонсин!“

Хон буйруғи — Тангри амри.  
Барча эл дардин ютди,  
Хонлик нишони — отни  
Хитойга ҳады этди...

## VI

Элчи келди Чин юртидан  
бир йил ўтгач орадан,  
Аждарҳоси панжа урди юрагимни яралаб...

Хат ёзибди: „Ўн беш яшар  
кенжатайинг, қизингни,



Кўзичоғинг, оқ улоқчанг —  
  эркатой Кундузингни,  
Етмиш яшар чол демасдан,  
  хотинликка бер менга!  
Олтин ортган карвон юбор,  
  икки қилма сўзимни!“

Олти минг эр қиличларин  
  қинларидан суғурди,  
Чин юртини босамиз деб отига эгар урди.  
Кўз ёшларин ичга ютди...  
Киприклари муз эди...  
Найзаларин тошга санчди,  
Лов-лов ёниб сўз айтди:  
„Асл бўри уядамас, дала-тузда ўлади!  
Асл йигит ўткир қилич, ўткир сўздан ўлади.  
Қизингизни менсимаса,  
  менсимайди хонликни,  
Фанимларга ханжар уриб,  
  биз ўлгимиз келади!“

Фармон бердим: „Қиз бола бу —  
  палахмоннинг тошидир,  
Тақдир отса, саҳролардан,  
  тоғлардан ҳам ошадир!  
Молу дунё — қўлнинг кири,  
Ювилади-кетди.  
Кўшни подшоҳ тинч яшаса,  
Халқим ҳам тинч яшайди!  
Чин юртининг подшосига айтганини  
  берингла!“

Айтилган сўз — отилган ўқ!  
Мен сўзимдан қайтмадим.

Хон буйруғи — Тангри амри,  
Фармон ижро этилди,  
Эл-халқимни қайғу босди,  
Қобирғаси сўтилди...

Олтин ортган узун карвон  
қизим олиб кўзғалди,  
Эл-юртимнинг юрагида  
тош ёндирган кўз қолди...

Элим, халқим бу қисматдан  
ханжар каби қайралди,  
Чархлаб ётган шамширимдай  
сараланди, сайланди.

Бўлтириқлар индан чиқди —  
етмиш мингта жой тутди,  
Улийдиган ўқлар йўнди.  
Бўриларга айланди...

## VII

Бир йил ўтгач, Чин юртидан  
элчилар келди яна,  
Аждар йили муз-қаҳратон қиш  
ўн еттинчи сана.  
Хат ёзибди: „Чўп кўкармас  
қақраб ётган ерингдан,  
От туёғи, қуш қаноти куяр  
сувсиз чўлингдан,  
Кунботардан, кунчиқардан, жануб,  
яна шимолдан  
Юз чақирим тақир ерни  
бўлиб бергин элингдан!  
Мен Чин юртин аждарҳоси буюраман!  
Маде хон,

Буйругимни тез бажарсанг,  
ўлмай қоларсан омон!“

Кўкрагимга ғазаб тўлди, кўзларимга  
тўлди қон!  
Тангримга илтижо қилдим ҳар кунботар,  
туну тонг:  
„Эй Кўк тангрим, ўзинг қўлла!  
Қуёш, қўлла! Ой, қўлла!  
Бўриларнинг юрагин бер,  
қудратин бер, Художон!“

Тез қурултой чақирдим мен,  
тўпланди кадхудолар,  
Тили билан темир тугун, тилсим  
ечар донолар.

Ким бировлар: „Гиёҳ унмас чўл-ку,  
берайлик...“ — деди,  
Ким бировлар: „Бир қарич ер  
бермай, ўлайлик!“ — деди.

„Ер берайлик...“ деганларнинг  
калласини уздирдим,  
„Ер бермайлик!“ деганларга  
қиз бердим, от миндирдим!

Юртга айтдим: „Мамлакатнинг  
асоси ер бўлади!  
Ерсиз элат — пуч дон бўлар.  
Ерли юрт эл бўлади!  
Инсиз бўри бўри эмас! Ошёнсиз қуш  
қуш эмас!  
Ватансиз эр — эркак эмас! Ватанли эр  
шер бўлади!  
Фанимга ер берганларнинг  
терилари шилинсин!

Юрак-багрин итга ташланг!  
 Бўйинлари узилсин!  
 Бул фармоним бориб етсин  
 аждодлардан авлодга!  
 Ер қадрини билмасларга  
 тайин жазо берилсин!“

## VIII

Тош синдирди қахрланган  
 қахратон қиш қиличи,  
 Соқол-муртли ҳайдарли эр  
 отга минди эл учун.

Элим елка тутди, қалин ўрмондайин  
 тебранди,  
 Етти ёш кокилли ул ҳам ўзини алп,  
 эр билди.

Уч юз минг алп Чин юртига  
 бўри бўлиб бурилдик,  
 Биз чалажон, ўлик эдик,  
 жанг-жадалда тирилдик!

Уч юз минг ўқ — Кўк ғазаби!  
 Улиб учди ёвларга!  
 Қилич урдик, найза санчдик,  
 талқон бўлди тоғлар ҳам!  
 Чин юртининг аждарҳосин  
 асир олдим. Мен уни  
 Ўлгунича чўпон қилдим  
 саҳродаги қўйларга.

Етмас жойда этагимни кесиб олдим,  
 енг этдим,  
 Ер бермадим ўзгаларга, ўз еримни  
 кенг этдим.

Доноларни, ботирларни ва мардларни  
қўлладим,  
Мен элимни осмонўпар тоғлар билан  
тенг этдим!

Тингланг, беклар!  
Ўсмас элнинг эрлари тез айнийди.  
Донолар — сув!  
Сувсиз элнинг сирлари тез айнийди...  
Ёв қадами теккан ерда  
майса-чечак қўқармас,  
Мард қадрини билмас элнинг  
ерлари тез айнийди...

Мен сўзладим.  
Хатга солди шоирлару донолар,  
Кундуз — Куёш, кечаси — Ой,  
руҳи тирик боболар:  
„Эл-юртимга темир қонун,  
адолатли тузук бу —  
Тойлар ўсиб тулпор бўлсин  
ботирни миндиришга,  
Уллар ўсиб ботир бўлсин  
отларни елдиришга...“

Менинг сўзим — Тангри сўзи!  
Нуқта қўйдим. Гап тамом...  
Юртим учун яшадим мен,  
Тамға босдим — Маде хон!

# ҚАР — ОҚ — АЛП — ОҚ

*Энг қадимги айтим*

## I

Кўкда — Тонг Ингир<sup>1</sup>,  
Осмонда — Тонг Ингир  
Эрни яратти.

„Ерда юрсин,  
Югурсин!“ — деди,  
Эрни яратти.

Эрга: „Эрсан!“ — деди,  
Уруғо(лув)чини<sup>2</sup> яратти.

Эр қара<sup>3</sup> алп оқ эди,  
Уруғо(лув)чи — ариғ<sup>4</sup> оқ эди.

Эр қара алп оқ  
Ариғ оқни олди.  
Ариғ оқ эрдан  
Уруғ олди...

Тўққиз ойда кўз ёрди —  
(Тувуқ — куз ойда. Қавуз ёрди):  
Ўғил кўрди.  
Ўғил алп оқ эди.  
Суюнди.

„Тири — тирик!“ — деди.  
„Тирик — турук,“ — деди.  
Суюнди.  
Оқ алп „турк“ бўлди...

---

<sup>1</sup> **Тонг Ингир** — Тангри, Танггир, нур ва зулумот-ни яратувчи, тонг ва ингир — тун...

<sup>2</sup> **Уруғо(лув)чи** — аёл.

<sup>3</sup> **Қара** — қора, йирик, катта.

<sup>4</sup> **Ариғ** — тоза, покиза.

## II

Тонг Ингир қор ёғдирди:  
Қор оқ эди,  
Ул оқ эди.

Ариф оқ Эна кўрди:  
Қор — оқ, ул — оқ.  
Улга айтти:  
„Қар — оқ сен!“ —  
Суйди.

Эр ота кўрди:  
Ул — алп, Алп — оқ.  
Улга — Алпга айтти:  
„Алп — оқ сен!“ —  
Суйди.

## III

Эр ота бўрини санчди.  
Ўғилга юрак берди.  
Алп оққа айтти:  
„Бўри бўл!“

Эр ота бўриқут<sup>1</sup> отди.  
Ўғилга юрак берди.  
Алп оққа айтти:  
„Бўриқут бўл!“

Эр ота Йўл бўрисин<sup>2</sup> отди.  
Санчди.  
Ўғилга юрак берди.  
Алп оққа айтти:  
„Йўл бўриси бўл!“

---

<sup>1</sup> Бўриқут — бургут.

<sup>2</sup> Йўл бўриси — йўлбарс.

Алп оқни Кўкка —  
Ўт Тошга<sup>1</sup> чўзди.  
Тонг Ингир кўрди,  
Ярлақади.

Ҳайқирди:  
„Сен — Қар Оқ Алп Оқ!  
Сен — Қар Оқ Алп Оқ!  
Сен — Қар Оқ Алп Оқ!“

#### IV

Кўкда — Тонг Ингир  
Ярлақади.

Буюрди:  
„Алп оқ! Айиқни ол!“

Қар Оқ Алп Оқ  
Айқашди.  
Айиқни олди.

Эр Ота суюнди:  
„Олди! Олти!“ — деди.

Осмонда Тонг Ингир  
Ярлақади.  
Буюрди:  
„Алп оқ! Йилқига ет!“

Қар Оқ Алп Оқ  
Югурди.  
Йилқига етти.

Ариф оқ Эна суюнди:  
„Етти! Етти!“ — деди.

---

<sup>1</sup> Ўт Тош-От тош-Оташ — Қуёш, Кун.



Қар Оқ Алп Оқ  
Олтида айиқни олди.  
Еттида йилқиға етти —  
Тонг Ингир ярлақди...

## V

Кўкда Тонг Ингир  
Буюрди:  
„Қар Оқ Алп Оқ!  
Қор уй! Қор уй!“

Қар Оқ Алп Оқ  
Қор уйди.  
Ўйди.  
Энкайди. Кирди.

## VI

Қора айғир —  
Йилқи бўриси.

Қора айғир қутирди.  
Депсинди.  
Тепди. Тишлади.  
Тўрт тархонни<sup>1</sup> ўлдирди.

Қора айғир —  
Йилқи бўриси.

Қар Оқ Алп Оқ  
Аччиқланди. Ўртанди:  
„Эй, Тонг Ингир!  
Сен — Тонг Ингир!  
Сен ярлақа!“

---

<sup>1</sup>Тархон — оқсуяк ботирлар.

Қора ханжарни  
Қўлимга олай!  
Қора айғирнинг  
Бўғзидан олай!  
Қарқиратиб  
Ханжар солай“.

Қора айғирнинг  
Бўғзидан олди.  
Қарқиратиб  
Ханжар солди...

Оппоқ қорни қонга қорди...  
Айғирнинг Қора қуйруғин қирқди.  
Оқ найзани қонда ювди.  
Кўкда тоблатди.  
Сувда сувлатди...

Қизил найза,  
Қуйруқ-ёл  
Ялов бўлди —  
Кўкда тоблатган  
Туғ бўлди...

Тонг Ингир суюнди:  
„Сен Қар Оқ Алп Оқ!“  
Тоғлар,  
Чўллар, Кўллар суюнди:  
„Сен Қар Оқ Алп Оқ!“

Тонг Ингир буюрди:  
„Қар Оқ Алп Оқ!  
Сувларда сувлан!  
Ўтларда тоблан!“

Қар Оқ Алп Оқ  
Ўтлардан чиқди,  
Сувларга тушди...  
Сувлардан чиқди,  
Ўтларга тушди.

Дунёнинг поёни йўқ,  
Сувлар кўп,  
Ўтлар кўп...

Тонг Ингир суйгани  
Қар Оқ Алп Оқ.



## ҲА, ВАТАН ҲАҚИДА ШУНДАЙ ЁЗИЛАДИ!

*Қорақалпоқ шоири Бахтиёр  
Генжамуродга мактуб*

Ассалому алайкум, иним Бахтиёр! Мен сенинг „Марказий Осиё маданияти“ газетасида чоп этилган „Маде хон сўзи ёхуд Чин ипагидаги битик“ тарихий достонингни ҳозиргина ўқиб тугатдим. Газета иш столим устида турибди. Айни чоғ сипойчилик қилишимнинг ўрни эмас — ҳаяжондаман. Ва, яна бир карра, шу ёшимга кириб, шунча китоб варақлаб, қўлимдан келганича сўз моҳияти ишқида тунларни бедор ўтказганларимдан келиб чиқиб, қатъий хулосага тўхтадим: чин сўз, юракдан отилган сўз, илдизи юракка чуқур кетган сўз ва яна шу сўз елкасига миллат ори, Ватан шаъни юклатилган бўлса, шоир шу сўзни тонгги софликларга боқиб, имон-эътиқод нуқтаи назаридан покланиб ёзган бўлса, ҳар қандай қалбларни ҳаяжонга солади. Сўз ўқи тоғларни чилпарчин қилиб юборади. Ўқирган уммонларни тарс ёриб ўтади. Сўз осмонни иккига бўлади. Сўз қолади — сўз дунё тургунча туради. Чунки сўз тарбиялайди. Одамни одам қилади. Йўлга солади. Сонга солади, яъни инсон бўлиб яшашни ўргатади. Қаҳрамонлик қонда бўлади. Лекин ўша қаҳрамонликни сўзнинг олови жунбушга келтиради. Иним, мен сенинг ниятингни англадим ва халқимизга ўзлик, бутунликдан сабоқ бергувчи яхши бир ишга қўл урганингни ҳам ҳис қилдим. Тарихдан маълум ва машҳур халқимизнинг бир буюк ҳукмдори Маде хон сўзидан айтган гапларингни тинглаб, ҳар бир қалбнинг тўлқини тошади:

*Кулунларим тулпор бўлиб,  
Юлдузларни кўзлади.  
Ўғлонларим йигит бўлиб,  
Қаҳрамонлик излади.*

Ёки

*Қаҳрланиб отган ўқим  
Бўри бўлиб улийди...*

Эр бўлсанг шундай эр бўл, эл бўлсанг шундай қалққин — Маде хоннинг тутимини туггин, деган хаёлга борасан. Достоннинг хислати — у бугунги ёш авлодга, камолотга тўлгур фарзандларимизга нисбатан бир ҳайқириқдир!

Одамзод коинотлараро ер куррасини макон айлаб — Ватан тутганининг ҳанузгача ҳисобкитоби йўқ, неча миллион йилларки, сувлар оқиб ўтди, дарёлар оқди, қуриди, оқди. Замин ҳамон айланади. Аммо одамлар элу элатларга бўлиниб, қавми-қариндошларга бўлиниб, миллатларга бўлиниб, маълум ҳудудларни чегаралаб, уларни ота макон, она-Ватан, киндик қони тўкилган юрт тимсолида эъозлаб, муқаддас билиб, тупроғини кўзларига суртиб, кўзёшларини қориштириб, жони каби авайлаб, асраб, аллаю қўшиқлар, ўлану достонлар, дунёни лол қолдирувчи қиссаю ҳиссалар битиб, кўнглини нурга, қалбини куч-қувватга тўлдириб келяпти. Қалбдаги куч, кўнгилдаги нур, дилдаги шуур ана шу Ватан тушунчасидан, ана шу кафтдек ер тушунчасидан, бир сиқим тупроқ тушунчасидан олинади. Ай, шугина тушунчани инсоннинг юрагидан суғуриб олинг-чи, у ҳеч кимга айланмай қолади. Қуввати, идроки йўқолади. Демак, инсонни ҳаётда тутиб тургувчи куч унинг оёқлари тегиб турган сарзамин. Одамзоднинг ил-

дизи ерда. Парвоз ердан бошланади. Кўкнинг тир-гаги ҳам замин.

Дарҳақиқат, Ватанни шарафлаш, олқишлаш кўнгил истагидир. Қалб бурчидир. Бу борада шоирларнинг юки енгил эмас.

Иним, Бахтиёр Генжамурод! Ватан ҳақидаги сенинг достонинг менинг кўнглимдаги гапларнинг тўкилишига сабаб бўлди. Ҳеч ким хафа бўлмасин — яқин йилларда ота макон ҳақида, киндик қони тўкилган юрт улуғлиги ҳақида бундай достон ўқи-магандим. Мени аллақачон зериктирган — майда туйғулар, оҳорсиз мадҳиялар, бачкана сезги-сезимлар, бир-бирига қоришиб кетган, на боши, на охирини англаб бўлмайдиган чизма-чизимлар, нурсиз сатрлар, қалин-қалин жилдлар...

Биламан, достоннинг мавзуси тарихдан аён. Маде хон ҳақида қадимдан битиклар, тарихий лавҳалар, эртақлар, қиссаю афсоналар элма-эл, тилма-тил кўчиб юради. Улар бугун бизгача етиб келган. Аммо гап шундаки, ҳар қандай эски нар-сани авлодлар ўз ақли ва тафаккури ўлароқ янгилайди. Худди муҳаббат каби... Улуғ мавзулар шу боиски, умрбоқийдир. Сен, иним, ана шундай ҳаётий ҳақиқатни тўғри англабсан. Уни бугунги кунда бутун жарангоси билан етказиб берибсан.

*Атрофимга йиғдим ўн минг бўрини,  
Ўн минг қашқир — бўриларнинг зўрини.  
Ўндан олиб сувга солдим минг бора,  
Сувдан олиб ўтга солдим минг бора —  
Бирбовурлик болғасининг зарби-ла  
хўб тобладим.*

Ҳа, иним, Ватан, унинг тупроғи, унинг сар-ҳади учқур, олис манзилларга елдирим бўлиб

учгувчи тулпорлардан-да азиз! Ҳа, иним, Ватан, унинг тупроғи суюкли ёрдан, жонга жон бўлган оромижонлардан-да азиз! Ҳа, иним, Ватан унинг бир парча бўлагини ёвга бермоқчи бўлган, сотган хоин — оталардан-да муқаддас!

Учкур тулпорлар топилади, иним! Соҳиб-жамол санамлар топилади, иним! Эй, воҳ, ҳатто бизни пуштидан дунёга келтирган оталаримизни ҳам бизга боғлаб берган эмас! Иним, тарих шафқатсиз. Унинг майдонларида учиб юрган сўз шафқатсиз. О, сўзни бор бўйи-басти билан кўрсатган иним, сен ҳам шафқатсиз...

*Тошни шохлаб қайралади  
қора буқанинг шохи,  
Элнинг дарди — менинг дардим,  
Менинг дардим — эл дарди.  
Эл-юрт учун аямадим  
арғумоқ-тулпоримни!  
Эл-юрт учун қурбон этдим  
қўйнимдаги ёримни!*

*Эл-юрт учун тоғжу тахтим,  
Тулпор мендан садаға!  
Эл-юрт учун жоним, бахтим,  
Дилбар мендан садаға!*

Ҳа, Ватан ҳақида шундай ёзилади! Ватан қуруқ сўз эмас, ҳавода муаллақ учаётган мезон эмас. Иним, достонингда эски сўзни — қилични ярқиратибсан, қайрабсан.

Бу дoston — бугуннинг дostonи. Хуррият дostonи! Мустақилликнинг дostonи! Бугунги талатўп дунёда Ватанни асраш, ҳеч кимга бермаслик, кафтдек ерини кўз қорачиғида жо қилиш

ҳар кимнинг қалб ҳайқириғи, виждон сўроғи.  
Бугун сарҳадларимиз мустаҳкам. Чегараларимиз  
дахлсиз. Худди Маде хон айтган каби ҳар бири-  
мизнинг ботинимизда бир ҳайқириқ тўлғонади:

*Етмас жойда этагимни кесиб олдим,  
енг этдим.  
Ер бермадим ўзгаларга, ўз еримни  
кенг этдим.  
Доноларни, ботирларни ва мардларни  
қўлладим,  
Мен элимни осмонўпар тоғлар билан  
тенг этдим!*

*...Мен сўзладим.  
Хатга солди шоирлару донолар,  
Кундуз — Кўёш, кечаси — Ой,  
руҳи тирик боболар:  
„Эл-юртимга темир қонун,  
адолатли тузук бу —  
Тойлар ўсиб тулпор бўлсин  
ботирни миндиришга,  
Уллар ўсиб ботир бўлсин  
отларни елдиришга...“*

Бир тилли, бир элли иним, Бахтиёр! Ўзбекда  
ҳам сўзинг кўп жаранглади. Дўстинг Рустам  
Мусурмондан миннатдор бўл! У дostonнинг жа-  
ранги ва жозибасини менга уқита билди. Ва барча  
шеър ошуфталари қалбига оловли бир руҳ олиб  
кирди — Ватан инсоннинг ўзи ва жони билан!

Оғанг: **Азим СУЮН**




*Baxtiyor* **GENJAMUROD**

**O'KUZDARYO  
BITIKLARI**

*Dostonlar*

*Qoraqalpoq tilidan  
Rustam MUSURMON  
tarjimasi*



*Turkiy xalqlarning qadimiy ajdodlari yo'lboshchilaridan biri Made xon o'z elining mustaqilligi yo'lida Chin podsholari bilan samarali siyosiy muzokaralar olib borgan. Bosqinchilarga qarshi mardonavor janglarda muzaffar bo'lgan.*

*Made xonning „Yer bu — mamlakatning asosidir“ degan o'lmas shiorini dunyo ahli hanuz yuksak qadrlaydi...*

*Men ushbu dostonimni O'zbekiston Respublikasi Mustaqilligining 15 yilligiga bag'ishlayman.*

**Muallif**

## **MADE XON SO'ZI**

### **yoxud**

## **CHIN IPAGIDAGI BITIK**

*Tarixiy doston*

### **I**

Kunduzi Quyoshga,  
Tunda Oyga topindim.  
Bobolarning  
Jondor — bo'ri ruhlariga sig'indim.

Qilich qayrab,  
Kamonimga o'q yo'ndim.  
Qulunlarni  
Botirlarim minib chopar ot  
bo'lishin sog'indim.

Qulunlarim tulpor bo'lib,  
Yulduzlarni ko'zladi.  
O'g'lonlarim yigit bo'lib,  
Qahramonlik izladi.

Otam — Tuman.  
U qartaydi — iridi.  
Ong-shuuri madda boylab,  
Tafakkuri chiridi.

Atrofimga yig‘dim o‘n ming bo‘rini,  
O‘n ming qashqir — bo‘rilarning zo‘rini.  
O‘tdan olib suvga soldim ming bora,  
Suvdan olib o‘tga soldim ming bora —  
Birbovurlik bolg‘asining zarbi-la  
xo‘b tobladim.

## II

O‘zgalardan ortiq edi  
o‘q-yoyimning „qilig‘i“,  
Qahrlanib otgan o‘qim bo‘ri bo‘lib uliydi.  
„U dunyo“ning elchisiday  
uchib borar pishqirib,  
G‘animlarga sochar edi halokatning urug‘in.

O‘n ming mardga farmon berdim:  
„Eshitinglar so‘zimni!  
Bo‘ri bo‘lib uliydigan  
o‘qni otsam, shu zumda  
Men nishonga olgan zotni  
kim bo‘lsa ham otinglar,  
Yuraklardan yulib tashlang  
qo‘rquv degan sezimni!“

Arg‘umog‘im bo‘lar edi  
suluv qizday qalqigan,  
Keng yaylovda oyday suzgan,  
keng osmonda balqigan.  
Botirlarni sinash uchun o‘z otimga  
yoy otdim,  
Uchib ketdi qonsirab o‘q,

Ortidan o‘qlar uchdi,  
O‘qlar uchdi ketma-ket...

Tulporimga Ko‘kyol sadoq —  
sakkiz ming o‘q qadaldi,  
Ikki ming er yoy tortmadi —  
ikki mingta o‘q qoldi.

Xon buyrug‘i — Tangri amri:  
„Ikki ming er gunohkor!“  
Shul ikki ming er kesildi  
birbovurlik haqiga...  
Sakkiz ming zo‘r yigit qoldi  
yonimda yalovbardor.

### III

Suluvlarni saylab suydim —  
toycha belli sag‘rini,  
Bir ayolim — oqqush nozli,  
biri tovus ishvali.

Tangri — yolg‘iz,  
Osmon — yolg‘iz,  
Quyosh — yolg‘iz,  
Oy — yolg‘iz...

Ko‘nglim yana botirlarni  
sinamoqni istadi.

Sadoq tortdim suluvimga,  
Yig‘lab-ho‘ngrab uchdi o‘q.  
Oy badanin, kumush tanin  
ajal bo‘lib teshdi o‘q.  
Yetti ming Alp — yetti ming Gurt,  
Titramadi qo‘llari,  
Suluvim qon tomiridan  
yetti ming ko‘z ochdi o‘q.

Otilmagan ming o‘q qoldi...  
Yoy tortmagan ming erning  
Jonlarini Ko‘k tangrimga  
Qurbon qilib yubordim.

#### IV

Toshni shoxlab qayraladi  
qora buqaning shoxi,  
Elning dardi — mening dardim,  
Mening dardim — el dardi.

El-yurt uchun ayamadim  
arg‘umoq-tulporimni!  
El-yurt uchun qurbon etdim  
qo‘ynimdagi yorimni!

El-yurt uchun toj-u taxtim,  
Tulpor mendan sadag‘a!  
El-yurt uchun jonim, baxtim,  
Dilbar mendan sadag‘a!

Qorong‘u tun quchog‘ida yetti yulduz —  
qaroqchi,  
Cho‘l qo‘ynida yetti ming Gurt  
yurt qo‘riqlar qo‘riqchi.

Moy aynisa, tuz sepilar,  
Er aynisa, ne bo‘lar?!  
Chin bo‘rilar aynimaydi,  
Ayniganlar it bo‘lar.  
Shog‘ol bo‘lar, tulki bo‘lar,  
likillatar ketini.  
Mardlar elning tuzi bo‘lar —  
mard aynitmas elini.

Otam Tuman aynigandi —  
Chin dushmanga qo‘l berdi,  
G‘ayri dinga, g‘ayri tilga  
quchoq ochib yo‘l berdi...

Qahrlangan bo‘ri o‘qim ulib uchdi Tumanga,  
Naqd yetti ming o‘q qadaldi...  
Jazoladim otamni!

Haq aytgani — Ko‘k aytgani:  
„Jonni fido etarmiz!  
Er aynisa, biz kallasin  
Tandan judo etarmiz!“

## V

Shamshir sermab, nayza urdim,  
El birligin tuzatdim.  
Kiprigimga xanjar qadab,  
kim do‘st-dushman kuzatdim.  
Ko‘k osmonda Burgut — podshoh,  
keng sahroda — Qashqirlar!  
Erlik, Mardlik, Botirlikni ulug‘ladim —  
So‘z aytdim!

Ilgaridan dushman edi  
Chin yurtining podshosi.  
Shul shoh bitgan noma keldi.  
Xat o‘qidi elchisi:  
„Ey, Made xon, piyoda yur!  
Yarashmas ot minganing!  
Chibin joning omon bo‘lsin,  
taxt minsang — ot minganing!  
Ostingda Yelsuv tulporing —  
menga ber shul otingni!  
Gar otingni bermasang,  
men kesaman elatingni!“

Uch ming botir qalqib turdi  
qabog'idan qor yog'ib,  
O'qlovdain tomirida  
nomus birla or oqib:  
„Chin yurtining qal'asiga  
boshla bizni, Made xon!  
Isnod chekib yashaguncha,  
qilichdan beraylik jon!  
Mingan oting — Yelsuv tulpor,  
bu — xonlikning nishoni,  
Badavlatlik, eldavlatlik va  
xalqlikning nishoni!“

Men buyurdim: „Ot — bir maxluq!  
Ot o'rnini toy bosur!  
Qo'shnimiz tinch — bizlar ham tinch...  
Bulut o'rnin Oy bosur!“

Chin yurtining ajdarhosi, mayli,  
otimni olsin!  
Yurtinga o't purkamasin,  
Ot bilan nafsi qonsin!“

Xon buyrug'i — Tangri amri.  
Barcha el dardin yutdi,  
Xonlik nishoni otni  
Xitoyga hadya etdi...

## VI

Elchi keldi Chin yurtidan  
bir yil o'tgach oradan,  
Ajdarhosi panja urdi yuragimni yaralab...

Xat yozibdi: „O'n besh yashar  
kenjatoying, qizingni,

Qo‘zichog‘ing, oq uloqchang —  
erkatoy Kunduzingni,  
Yetmish yashar chol demasdan,  
xotinlikka ber menga!  
Oltin ortgan karvon yubor,  
ikki qilma so‘zimni!“

Olti ming er qilichlarin  
qinlaridan sug‘urdi,  
Chin yurtini bosamiz deb otiga egar urdi.  
Ko‘z yoshlarin ichga yutdi...  
Kipriklari muz edi...  
Nayzalarin toshga sanchdi,  
Lov-lov yonib so‘z aytdi:  
„Asl bo‘ri uyadamas, dala-tuzda o‘ladi!  
Asl yigit o‘tkir qilich, o‘tkir so‘zdan o‘ladi.  
Qizingizni mensimasa,  
mensimaydi xonlikni,  
G‘animlarga xanjar urib,  
biz o‘lgimiz keladi!“

Farmon berdim: „Qiz bola bu —  
palaxmonning toshidir,  
Taqdir otsa, sahrolardan,  
tog‘lardan ham oshadir!  
Mol-u dunyo — qo‘lning kiri,  
Yuviladi-ketadi.  
Qo‘shni podshoh tinch yashasa,  
Xalqim ham tinch yashaydi!  
Chin yurtining podshosiga aytganini  
beringlar!“

Aytilgan so‘z — otilgan o‘q!  
Men so‘zimdan qaytmadim.



Xon buyrug‘i — Tangri amri,  
Farmon ijro etildi,  
El-xalqimni qayg‘u bosdi,  
Qobirg‘asi so‘tildi...

Oltin ortgan uzun karvon  
qizim olib qo‘zg‘aldi,  
El-yurtimning yuragida  
tosh yondirgan ko‘z qoldi...

Elim, xalqim bu qismatdan  
xanjar kabi qayraldi,  
Charxlab yotgan shamshirimday  
saralandi, saylandi.

Bo‘ltiriqlar indan chiqdi —  
yetmish mingta joy tutdi,  
Uliydigana o‘qlar yo‘ndi.  
Bo‘rilarga aylandi...

## VII

Bir yil o‘tgach, Chin yurtidan  
elchilar keldi yana,  
Ajdar yili muz-qahraton qish  
o‘n yettinchi sana.  
Xat yozibdi: „Cho‘p ko‘karmas  
qaqrab yotgan yeringdan,  
Ot tuyog‘i, qush qanoti kuyar  
suvsiz cho‘lingdan,  
Kunbotardan, kunchiqardan, janub,  
yana shimoldan  
Yuz chaqirim taqir yerni  
bo‘lib bergin elingdan!  
Men Chin yurtin ajdarhosi buyuraman!  
Made xon,

Buyrug'imni tez bajarsang,  
o'lmay qolarsan omon!"

Ko'kragimga g'azab to'ldi, ko'zlarimga  
to'ldi qon!  
Tangrimga iltijo qildim har kunbotar,  
tun-u tong:  
„Ey Ko'k tangrim, o'zing qo'lla!  
Quyosh, qo'lla! Oy, qo'lla!  
Bo'rilarining yuragin ber,  
qudratin ber, Xudojon!"

Tez qurultoy chaqirdim men,  
to'plandi kadxudolar,  
Tili bilan temir tugun, tilsim  
yechar donolar.

Kim birovlar: „Giyoh unmas cho'l-ku,  
beraylik...“ — dedi,  
Kim birovlar: „Bir qarich yer  
bermay, o'laylik!“ — dedi.

„Yer beraylik...“ deganlarning  
kallasini uzdirdim,  
„Yer bermaylik!“ deganlarga  
qiz berdim, ot mindirdim!

Yurtga aytdim: „Mamlakatning  
asosi yer bo'ladi!  
Yersiz elat — puch don bo'lar.  
Yerli yurt el bo'ladi!  
Insiz bo'ri bo'ri emas! Oshyonsiz qush  
qush emas!  
Vatansiz er — erkak emas! Vatanli er  
sher bo'ladi!  
G'animga yer berganlarning  
terilari shilinsin!

Yurak-bag‘rin itga tashlang!  
Bo‘yinlari uzilsin!  
Bul farmonim borib yetsin  
ajdodlardan avlodga!  
Yer qadrini bilmaslarga  
tayin jazo berilsin!“

### VIII

Tosh sindirdi qahrlangan  
qahraton qish qilichi,  
Soqol-murtli haydarli er  
otga mindi el uchun.

Elim yelka tutdi, qalin o‘rmondain  
tebrandi,  
Yetti yosh kokilli ul ham o‘zini alp,  
er bildi.

Uch yuz ming alp Chin yurtiga  
bo‘ri bo‘lib burildik,  
Biz chalajon, o‘lik edik,  
jang-jadalda tirildik!

Uch yuz ming o‘q — Ko‘k g‘azabi!  
Ulib uchdi yovlarga!  
Qilich urdik, nayza sanchdik,  
talqon bo‘ldi tog‘lar ham!  
Chin yurtining ajdarhosin  
asir oldim. Men uni  
O‘lgunicha cho‘pon qildim  
sahrodagi qo‘ylarga.

Yetmas joyda etagimni kesib oldim,  
yeng etdim,  
Yer bermadim o‘zgalarga, o‘z yerimni  
keng etdim.

Donolarni, botirlarni va mardlarni  
qo‘lladim,  
Men elimni osmono‘par tog‘lar bilan  
teng etdim!

Tinglang, beklar!  
O‘smas elning erlari tez ayniydi.  
Donolar — suv!  
Suvsiz elning sirlari tez ayniydi...  
Yov qadami tekkan yerda  
maysa-chechak ko‘karmas,  
Mard qadrini bilmas elning  
yerlari tez ayniydi...

Men so‘zladim.  
Xatga soldi shoirlar-u donolar,  
Kunduz — Quyosh, kechasi — Oy,  
ruhi tirik bobolar:  
„El-yurtinga temir qonun,  
adolatli tuzuk bu —  
Toylar o‘sib tulpor bo‘lsin  
botirni mindirishga,  
Ullar o‘sib botir bo‘lsin  
otlarni yeldirishga...“

Mening so‘zim — Tangri so‘zi!  
Nuqta qo‘ydim. Gap tamom...  
Yurtim uchun yashadim men,  
Tamg‘a bosdim — Made xon!

## QAR — OQ — ALP — OQ

*Eng qadimgi aytim*

### I

Ko'kda — Tong Ingir<sup>1</sup>,  
Osmonda — Tong Ingir  
Yerni yaratti.

„Yerda yursin,  
Yugursin!“ — dedi,  
Erni yaratti.

Erga: „Ersan!“ — dedi,  
Urug'o(luv)chini<sup>2</sup> yaratti.

Er qara<sup>3</sup> alp oq edi,  
Urug'o(luv)chi — arig'<sup>4</sup> oq edi.

Er qara alp oq  
Arig' oqni oldi.  
Arig' oq erdan  
Urug' oldi...

To'qqiz oyda ko'z yordi —  
(Tuvuq — kuz oyda. Qavuz yordi):  
O'g'il ko'rdi.  
O'g'il alp oq edi.  
Suyundi.

„Tiri — tirik!“ — dedi.  
„Tirik — turuk“, — dedi.  
Suyundi.  
Oq alp „turk“ bo'ldi...

---

<sup>1</sup>**Tong Ingir** — Tangri, Tanggir, nur va zulumatni yaratuvchi, tong va ingir — tun...

<sup>2</sup>**Urug'o(luv)chi** — ayol.

<sup>3</sup>**Qara** — qora, yirik, katta.

<sup>4</sup>**Arig'** — toza, pokiza.

## II

Tong Ingir qor yog'dirdi:  
Qor oq edi,  
Ul oq edi.

Arig' oq Ena ko'rdi:  
Qor — oq, ul — oq.  
Ulga aytti:  
„Qar — oq sen!“ —  
Suydi.

Er ota ko'rdi:  
Ul — alp, Alp — oq.  
Ulga — Alpqa aytti:  
„Alp — oq sen!“ —  
Suydi.

## III

Er ota bo'rini sanchdi.  
O'g'ilga yurak berdi.  
Alp oqqa aytti:  
„Bo'ri bo'l!“

Er ota bo'riqut<sup>1</sup> otdi.  
O'g'ilga yurak berdi.  
Alp oqqa aytti:  
„Bo'riqut bo'l!“

Er ota Yo'l bo'risin<sup>2</sup> otdi.  
Sanchdi.  
O'g'ilga yurak berdi.  
Alp oqqa aytti:  
„Yo'l bo'risi bo'l!“

---

<sup>1</sup> **Bo'riqut** — burgut.

<sup>2</sup> **Yo'l bo'risi** — yo'lbars.

Alp oqni Ko'kka —  
O't Tosh<sup>1</sup>ga cho'zdi.  
Tong Ingir ko'rdi,  
Yarlaqadi.

Hayqirdi:

„Sen — Qar Oq Alp Oq!  
Sen — Qar Oq Alp Oq!  
Sen — Qar Oq Alp Oq!“

#### IV

Ko'kda — Tong Ingir  
Yarlaqadi.

Buyurdi:

„Alp oq! Ayiqni ol!“

Qar Oq Alp Oq  
Aygashdi.  
Ayiqli oldi.

Er Ota suyundi:

„Oldi! Olti!“ — dedi.

Osmonda Tong Ingir  
Yarlaqadi.

Buyurdi:

„Alp oq! Yilqiga yet!“

Qar Oq Alp Oq  
Yugurdi.  
Yilqiga yetti.

Arig' oq Ena suyundi:

„Yetti! Yetti!“ — dedi.

---

<sup>1</sup> O't Tosh-Ot tosh-Otash — Quyosh, Kun.

Qar Oq Alp Oq  
Oltida ayiqni oldi.  
Yettida yilqiga yetti —  
Tong Ingir yarlaqadi...

## V

Ko'kda Tong Ingir  
Buyurdi:  
„Qar Oq Alp Oq!  
Qor uy! Qor uy!“

Qar Oq Alp Oq  
Qor uydi.  
O'ydi.  
Enkaydi. Kirdi.

## VI

Qora ayg'ir —  
Yilqi bo'risi.

Qora ayg'ir qutirdi.  
Depsindi.  
Tepdi. Tishladi.  
To'rt tarxonni<sup>1</sup> o'ldirdi.

Qora ayg'ir —  
Yilqi bo'risi.

Qar Oq Alp Oq  
Achchiqlandi. O'rtandi:  
„Ey, Tong Ingir!  
Sen — Tong Ingir!  
Sen yarlaqa!

---

<sup>1</sup>**Tarxon** — oqsuyak botirlar.



Qora xanjarni  
Qo‘limga olay!  
Qora ayg‘irning  
Bo‘g‘zidan olay!  
Qarqiratib  
Xanjar solay“.

Qora ayg‘irning  
Bo‘g‘zidan oldi.  
Qarqiratib  
Xanjar soldi...

Oppoq qorni qonga qordi...  
Ayg‘irning Qora quyrug‘in qirqdi.  
Oq nayzani qonda yuvdi.  
Ko‘kda toblatdi.  
Suvda suvlatdi...

Qizil nayza,  
Quyruq-yol  
Yalov bo‘ldi —  
Ko‘kda toblatgan  
Tug‘ bo‘ldi...

Tong Ingir suyundi:  
„Sen Qar Oq Alp Oq!“  
Tog‘lar,  
Cho‘llar, Ko‘llar suyundi:  
„Sen Qar Oq Alp Oq!“

Tong Ingir buyurdi:  
„Qar Oq Alp Oq!  
Suvlarda suvlan!  
O‘tlarda toblan!“

Qar Oq Alp Oq  
Oʻtlardan chiqdi,  
Suvlarga tushdi...  
Suvlardan chiqdi,  
Oʻtlarga tushdi.

Dunyoning poyoni yoʻq,  
Suvlar koʻp,  
Oʻtlar koʻp...

Tong Ingir suygani  
Qar Oq Alp Oq.



## HA, VATAN HAQIDA SHUNDAY YOZILADI!

*Qoraqalpoq shoiri Baxtiyor  
Genjamurodga maktub*

Assalomu alaykum, inim Baxtiyor! Men sening „Markaziy Osiyo madaniyati“ gazetasida chop etilgan „Made xon so‘zi yoxud Chin i pagidagi bitik“ tarixiy dostoningni hozirgina o‘qib tugatdim. Gazeta ish stolim ustida turibdi. Ayni chog‘ si poyichilik qilishimning o‘rni emas — hayajondaman. Va, yana bir karra, shu yoshimga kirib, shuncha kitob varaqlab, qo‘limdan kelganicha so‘z mohiyati ishqida tunlarni bedor o‘tkazganlarimdan kelib chiqib qat’iy xulosaga to‘xtadim: chin so‘z, yurakdan otilgan so‘z, ildizi yurakka chuqur ketgan so‘z va yana shu so‘z yelkasiga millat ori, Vatan sha’ni yuklatilgan bo‘lsa, shoir shu so‘zni tonggi sofliklarga boqib, imon-e’tiqod nuqtayi nazaridan poklanib yozgan bo‘lsa, har qanday qalblarni hayajonga soladi. So‘z o‘qi tog‘larni chilparchin qilib yuboradi. O‘kirgan ummonlarni tars yorib o‘tadi. So‘z osmonni ikkiga bo‘ladi. So‘z qoladi — so‘z dunyo turguncha turadi. Chunki so‘z tarbiyalaydi. Odamni odam qiladi. Yo‘lga soladi. Songa soladi, ya’ni inson bo‘lib yashashni o‘rgatadi. Qahramonlik qonda bo‘ladi. Lekin o‘sha qahramonlikni so‘zning olovi junbushga keltiradi. Inim, men sening niyatingni angladim va xalqimizga o‘zlik, butunlikdan saboq berguvchi yaxshi bir ishga qo‘l urganingni ham his qildim. Tarixdan ma’lum va mashhur xalqimizning bir buyuk hukmdori Made xon so‘zidan aytgan gaplaringni tinglab, har bir qalbning to‘lqini toshadi:

*Qulunlarim tulpor bo'lib,  
Yulduzlarni ko'zladi.  
O'g'lonlarim yigit bo'lib,  
Qahramonlik izladi.*

Yoki

*Qahrlanib otgan o'qim  
Bo'ri bo'lib uliydi...*

Er bo'lsang shunday er bo'l, el bo'lsang shunday qalqqin — Made xonning tutimini tutgin, degan xayolga borasan. Dostonning xislati — u bugungi yosh avlodga, kamolotga to'lgur farzandlarimizga nisbatan bir hayqiriqdir!

Odamzod koinotlararo yer kurrasini makon aylab — Vatan tutganining hanuzgacha hisob-kitobi yo'q, necha million yillarki, suvlar oqib o'tdi, daryolar oqdi, quridi, oqdi. Zamin hamon aylanadi. Ammo odamlar el-u elatlarga bo'linib, qavmi-qarindoshlarga bo'linib, millatlarga bo'linib, ma'lum hududlarni chegaralab, ularni ota makon, ona-Vatan, kindik qoni to'kilgan yurt timsolida e'zozlab, muqaddas bilib, tuprog'ini ko'zlariga surtib, ko'zyoshlarini qorishtirib, joni kabi avaylab, asrab, alla-vu qo'shiqlar, o'lan-u dostonlar, dunyoni lol qoldiruvchi qissa-yu hissalar bitib, ko'nglini nurga, qalbini kuch-quvvatga to'ldirib kelyapti. Qalbdagi kuch, ko'ngildagi nur, dildagi shuur ana shu Vatan tushunchasidan, ana shu kaftdek yer tushunchasidan, bir siqim tuproq tushunchasidan olinadi. Ay, shugina tushunchani insonning yuragidan sug'urib oling-chi, u hech kimga aylanmay qoladi. Quvvati, idroki yo'qoladi. Demak, insonni hayotda tutib turguvchi kuch uning oyoqlari tegib turgan sarzamin. Odamzodning ildizi

yerda. Parvoz yerdan boshlanadi. Ko'kning tirgagi ham zamin.

Darhaqiqat, Vatanni sharaflash, olqishlash ko'ngil istagidir. Qalb burchidir. Bu borada shoir-larning yuki yengil emas.

Inim, Baxtiyor Genjamurod! Vatan haqidagi sening dostoning mening ko'nglimdagi gaplar-ning to'kilishiga sabab bo'ldi. Hech kim xafa bo'l-masin — yaqin yillarda ota makon haqida, kindik qoni to'kilgan yurt ulug'ligi haqida bunday doston o'qimagandim. Meni allaqachon zeriktirgan — mayda tuyg'ular, ohorsiz madhiyalar, bachkana sezgi-sezimlar, bir-biriga qorishib ketgan, na boshi, na oxirini anglab bo'lmaydigan chizma-chizimlar, nursiz satrlar, qalin-qalin jildlar...

Bilaman, dostonning mavzusi tarixdan ayon. Made xon haqida qadimdan bitiklar, tarixiy lav-halar, ertaklar, qissa-yu afsonalar elma-el, tilma-til ko'chib yuradi. Ular bugun bizgacha yetib kelgan. Ammo gap shundaki, har qanday eski narsani avlodlar o'z aqli va tafakkuri o'laroq yangilaydi. Xuddi muhabbat kabi... Ulug' mavzular shu boiski, umrboqiydir. Sen, inim, ana shunday hayotiy haqiqatni to'g'ri anglabsan. Uni bugungi kunda butun jarangosi bilan yetkazib beribsan.

*Atrofimga yig'dim o'n ming bo'rini,  
O'n ming qashqir — bo'rilarining zo'rini.  
O'tdan olib suvga soldim ming bora,  
Suvdan olib o'tga soldim ming bora —  
Birbovurlik bolg'asining zarbi-la  
xo'b tobladim.*

Ha, inim, Vatan, uning tuprog'i, uning sar-hadi uchqur, olis manzillarga yeldirim bo'lib

uchguvchi tulporlardan-da aziz! Ha, inim, Vatan, uning tuprog‘i suyuqli yordan, jonga jon bo‘lgan oromijonlardan-da aziz! Ha, inim, Vatan, uning bir parcha bo‘lagini yovga bermoqchi bo‘lgan, sotgan xoin — otalardan-da muqaddas!

Uchqur tulporlar topiladi, inim! Sohibjamol sanamlar topiladi, inim! Ey, voh, hatto bizni pushtidan dunyoga keltirgan otalarimizni ham bizga bog‘lab bergan emas! Inim, tarix shafqatsiz. Uning maydonlarida uchib yurgan so‘z shafqatsiz. O, so‘zni bor bo‘yi-basti bilan ko‘rsatgan inim, sen ham shafqatsiz...

*Toshni shoxlab qayraladi*  
*qora buqaning shoxi,*  
*Elning dardi — mening dardim,*  
*Mening dardim — el dardi.*  
*El-yurt uchun ayamadim*  
*arg‘umoq-tulporimni!*  
*El-yurt uchun qurbon etdim*  
*qo‘ynimdagi yorimni!*

*El-yurt uchun toj-u taxtim,*  
*Tulpor mendan sadag‘a!*  
*El-yurt uchun jonim, baxtim,*  
*Dilbar mendan sadag‘a.*

Ha, Vatan haqida shunday yoziladi! Vatan quruq so‘z emas, havoda muallaq uchayotgan mezon emas. Inim, dostoningda eski so‘zni — qilichni yarqiratibsan, qayrabsan.

Bu doston — bugunning dostoni. Hurriyat dostoni! Mustaqillikning dostoni! Bugungi talato‘p dunyoda Vatanni asrash, hech kimga ber-

maslik, kaftdek yerini ko‘z qorachig‘ida jo qilish har kimning qalb hayqirig‘i, vijdon so‘rog‘i. Bugun sarhadlarimiz mustahkam. Chegaralarimiz daxlsiz. Xuddi Made xon aytgan kabi har birimizning botinimizda bir hayqiriq to‘lg‘onadi:

*Yetmas joyda etagimni kesib oldim,  
yeng etdim.  
Yer bermadim o‘zgalarga, o‘z yerimni  
keng etdim.  
Donolarni, botirlarni va mardlarni  
qo‘lladim,  
Men elimni osmono‘par tog‘lar bilan  
teng etdim!*

*...Men so‘zladim.  
Xatga soldi shoirlar-u donolar,  
Kunduz — Quyosh, kechasi — Oy,  
ruhi tirik bobolar:  
„El-yurtinga temir qonun,  
adolatli tuzuk bu —  
Toylar o‘sib tulpor bo‘lsin  
botirni mindirishga,  
Ullar o‘sib botir bo‘lsin  
otlarni yeldirishga...“*

Bir tilli, bir elli inim, Baxtiyor! O‘zbekda ham so‘zing ko‘p jarangladi. Do‘sting Rustam Musurmondan minnatdor bo‘l! U dostonning jarangi va jozibasini menga uqita bildi. Va barcha she‘r oshuftalari qalbiga olovli bir ruh olib kirdi — Vatan insonning o‘zi va joni bilan!

Og‘ang: **Azim SUYUN**

---

---

## МУНДАРИЖА

Маде хон сўзи ёхуд Чин ипагидаги битик ( <i>Тарихий дoston</i> ) .....	3
ҚАР — ОҚ — АЛП — ОҚ ( <i>Энг қадимги айтим</i> ) .....	14
Ҳа, Ватан ҳақида шундай ёзилади! ( <i>Қорақалпоқ шоири Бахтиёр Генжамуродга мактуб</i> ) .....	20

---

---

## MUNDARIJA

Made xon so'zi yoxud Chin ipagidagi bitik ( <i>Tarixiy doston</i> ) .....	26
QAR — OQ — ALP — OQ ( <i>Eng qadimgi aytim</i> ) .....	37
Ha, Vatan haqida shunday yoziladi! ( <i>Qoraqalpoq shoiri Baxtiyor Genjamurodga maktub</i> ) .....	43